

Бир ярим йил ичида қория бўлган қиз



16:03 / 29.12.2023 2919

Йигирма бир ёшли мисрлик қория қиз Реҳаб Салоҳ аш-Шариф Қуръони Каримни бир ярим йил ичида тўлиқ ёд олиб, уч ой мобайнида мусҳафни тўлиқ ёзишга муваффақ бўлди. Бу ҳақда «Саго 24» телеканали хабар берди.

Ҳозирда Реҳаб Салоҳ аш-Шариф Ал-Азҳар университетининг адабиёт факультетида учинчи босқич талабаси. У араб тили ва адабиётини ўрганиш билан банд. Реҳаб Салоҳ Қоҳиранинг «Саго 24» телеканалига берган интервьюсида Қуръони Каримни Ал-Азҳар университетининг биринчи босқич талабаси бўлганидан сўнг ёд олишга киришган. Қарийб бир ярим йил аввал, у Аллоҳ таолонинг фазли ила Қуръони Каримни тўлиқ ёд олишга муваффақ бўлган. Кейин Қуръонни ёзишни бошлаган. Аллоҳнинг

каломини уч ойда ёзиб ниҳоясига етказган.